

Қўшиб экишда гап кўп

Ўрта чирчиқ туманида ташкил этилган тадбирда ушбу омилга алоҳида эътибор қаратилди

Ўрта чирчиқ туманидаги “Мадониз” фермер хўжалигининг замонавий дала шийпонида “Суғориладиган майдонларида ғўза ва соя экинларини биргаликда етиштириш агротехникаси бўйича тавсиялар” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Шухрат Ғаниев семинарни очар экан, соя экиннинг афзалликлари, унинг агротехникаси ҳақида муҳим маълумотларни тилга олди. Жумладан, ушбу экинни чигит билан қўшиб экиш, ғўза билан бирга парваришлаб, мўл ҳосил олиш омилларига эътибор қаратди. Мазкур усул орқали ердан ҳар жиҳатдан унумли фойдаланиш баробарида фермер-

лар учун қўшимча даромадга эга бўлиш имкониятлари ҳам яратилади. Сабаби соя ғўза парвариши жараёнида гуркираб ривожланаверади. Қўшимча эътибор ва меҳнат талаб қилинмайди. Ҳосилни йиғиштириб олишга ҳам мутлақо халақит бермайди. Чунки соя пахтадан бир ой олдин пишиб етилади. Ушбу тажрибани қўллаш ва ёйиш орқали бугун мамлакатимизда оқсил тақчиллиги бўйича мавжуд муаммоларни бартараф



этиш, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу йўл билан чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини янада жадал ривожлантириш имкониятлари яратилади.

– Соя ва чигит ҳамкорликда экилганда асло бир бирларига халақит бермайди, аксинча бири иккинчисининг ривожланишини қўллаб қув-

ватлайди, – деди тадбирда сўз олган Тошкент давлат аграр университети профессори Ҳалима Отабоева. – Тажрибалар бу экинлар қўшиб экилганда пахта ҳосилдорлигининг анча ошганлигини кўрсатган. Чунки соя илдизларидаги азот тўпловчи фойдали туганак бактерияларнинг фаоллиги натижасида

тупроқда кўплаб биологик азот жамғарилишига ва ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Тадбир нихоясида “Мадониз” фермер хўжалигида соя ва чигитни ҳамкорликда экишга мослаштирилган сепялкада ерга уруғ қадаш жараёни намойиш этилди.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Наманган тажрибаси

Пахта ерда якка эмас

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Наманган вилоятида суғориладиган ерларнинг 25 фоизи шўрланган, ер ости сувлари сатҳи юзга яқин жойлашган. Бундан ташқари, бир қатор туманлар ҳудудларида тошлоқ, қумлоқ ерлар ҳам мавжуд бўлиб, айнан шу далаларда пахта ҳосилдорлиги 20-25 центнердан ошмайди.

Узоқ йиллардан буён кўндаланг бўлиб турган бу муаммони ечишга бугун илк умидбахш қадамлар қўйилаяпти, десак муболаға қилмаган бўламиз. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Наманган илмий тажриба станцияси жамоаси томонидан деҳқончиликка тадбиқ этилаётган янгилик бунга мисол бўла олади. Улар ўзлари ўтказиб келатган тажрибалар ва Хитой қишлоқ хўжалик фанлар

академиясининг Пахтачилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликдаги изланишлариға суянган ҳолда пахтани ҳамкор экинлар билан етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида астойдил бел боғлади. Бу ҳақда мухбиримизга Наманган илмий тажриба станцияси директори Ҳабибулло Ҳожиматов ҳамда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари номзоди Нўъмонжон Нуридинов қўйидагиларни сўзлаб берди:

Ҳабибулло ҲОЖИМАТОВ:

– Президентимиз 2020 йил декабрь ойида Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига ўз Мурожаатида “... камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир,” дея таъкидлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор илм-фан, инновация, агротехнология, биотехнология, сувни тежаш, уруғлик йўналишидаги ютуқ, янгилик ва кашфиётларни кенг жорий этиш керак. Ана шундагина мамлакат раҳбари айтганидек, ҳар гектардан олинаётган даромадни камида 5 минг долларга етказиш мумкин бўлади. Бунинг учун энг мақбул йўл ҳеч чўчимасдан пахтани ҳамкор экинлар билан етиштиришни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдир.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>>

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Боёвутнинг ғаллачилик КЛАСТЕРЛАРИ

Мамлакатимизда донни сотиш давлат буюртмасидан чиқарилганлиги бу тармоқда ҳам янги ислохотларни амалга ошириш, аҳоли эҳтиёжларидан ортган дон ва ун маҳсулотларини кенг ҳажмда экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Айниқса, жойларда тадбиркорлар томонидан донни қайта ишлаш корхоналарининг қурилиб, уруғни экишдан тортиб, экинни парваришлаш, етиштирилган донни ўриб-йиғиб олиш ва қайта ишлашгача бўлган яхлит тизимни ўз ичига олган ғаллачилик кластерларининг ташкил этилаётганлиги соҳага

инновацияларни кенг жорий этиш, навчиликни кескин яхшилаш, кўрилаётган фойдани бир неча баравар оширишда муҳим роль ўйнайди. Шу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Боёвут туманида ҳам учта ғаллачилик кластери ташкил этилди. Бу эса фермерларнинг ўғит, техника

воситалари, ёнилғи мойлаш материаллари олиш учун базаларда кунлаб сарсон бўлиб юришларига барҳам бериш билан бирга ғалла парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни тизимли амалга оширишда ҳам жуда қўл келаётир.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>>

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Қишлоқларда тиббий хизматни яхшилаш – мамлакат келажагига дахлдор масала

Мамлакатимизда бирламчи тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида аҳолининг тиббий-руҳий, жисмоний аҳволини мунтазам кузатиб бориш, касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш, оилаларда тиббий маданиятни, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу мақсадлар мужассам. Бу борада Фарғона вилоятида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфида 8 та қишлоқ оилавий поликлиника ва 5 қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётир. Жумладан, 41-қишлоқ оилавий поликлиника замонавий мезонлар асосида намунавий хизмат кўрсатаётган шифо масканларидан бири. Бу ерда ҳудуддаги “Қапчуғай”, “Қўрбоши” ва “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғинида ис-

тикомат қилаётган 12 минг 200 нафардан зиёд аҳоли тажрибали шифокор ва ҳамширалар ёрдамида ўз саломатлигини тиклаш имкониятига эга. Қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлангани аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволашга хизмат қилаётир.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ўЗА) олган сурат.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Ҳоким муаммога ЕЧИМ ТОПДИ

Ҳудудларда турли идора вазириликлари ва секторлар томонидан ташкил этилаётган сайёр қабуллар халқ орасида мунозара, муҳокамага сабаб бўлмоқда. Мурожаатчилар ҳақ бўлиб юмушлари осон битса, сайёр қабулдан рози бўлишади.

Ҳуқуқий билими бор одам, ҳаётда депсинмайди. Аммо айрим идора ва ташкилотларнинг бюрократик тўсиқлари билан ҳал этилмаётган муаммолар бўлса, энди бу бошқа масала...

Бугун дарди ташвиши бўлган инсон борки, халқни эшитадиган учрашувлардан қолмайди. Йўли қанча узоқ бўлмасин, вақти қанча тигиз бўлмасин сайёр қабулга етиб келади. Навоий шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров маҳаллаларда ўтказаетган сайёр қабулда ҳам шундай бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси иштирокида халқ билан ўтказилган юзма-юз мулоқотлар кўпгина одамлар дардини енгиллатди.

Бундай қабулга келаётган ҳар бир фуқаронинг аиниқса, тадбиркорнинг кўнглида мурожаатим Президентимизга етиб боради ва албатта ечимини топади, деган ишонч бўлади. Ким ер-жой масаласида, яна кимнинг тадбиркорлик ҳуқуқи бузилган, ким кредит маблағларига муҳтож, яна бировнинг суд қарорларига эътирози бор.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>>



Қорақалпоғистондаги “Беқьяб” насос станцияси янгиланади

Қорақалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Қонлиқўл туманидаги “Беқьяб” насос станцияси 1964 йилда ишга туширилган бўлиб, унда 6 донга ОПВ-6-145/К насослари ўрнатилган.

Агрегатларнинг ҳар бири 9-11 м³/с сув чиқариш қувватига эга бўлган. Яқинда тегишли масъуллар иштирокида ушбу насос станциясининг ҳолати ўрганилди. Ўрганиш жараёнида ҳам кўриндики, насос станцияси агрегатларининг қувурлари эскириб, таъ-

мирталаб аҳволга келиб қолган. Ҳар йили суғориш мавсуми олдидан жорий таъмирланиб келинган. Эскини ямагунча эсинг кетади, деганларидек тўлиқ реконструкция қилишга аллақачон фурсат етганди.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>>

Пахтани ҳамкор экинлар билан етиштириш
бу қандай амалга оширилади?

Голландиядан 220 тонна уруғлик
картошка келтирилади.

Пахта ерда якка эмас

(Боши 1-саҳифада)
Нўмонжон НУРИДДИНОВ: – Ер юзида, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам йилдан-йилга аҳоли сони тобора ўсиб бормоқда. Халқимизда “Бир товукқа ҳам дон, сув керак” деган нақл бежизга айтилмаган. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида тез-тез тилга олинаётганидек, бугун қатор давлатларда озиқ-овқат тақчиллиги кузатилмакда. Саноат хомашёсига бўлган талаб ортиб бормоқда. Хўш, шундай бир даврда, яъни эҳтиёждан келиб чиқиб, кўплаб уй-жойлар, саноат корхоналари қурилаётгани боис ер майдонлари қисқариб, сув танқислиги ортиб бораётган бир шароитда қандай йўл тутмоқ керак?

Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасига катта эътибор қаратиб келинаёпти. Фермер ва деҳқонлар учун керакли имтиёзлар берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Аммо изланишлар, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлар ўзининг қутилган натижасини бермаяпти. Мамлакатда етиштирилаётган пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигидан кўнгл тўлмайди. Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам мақтангудек эмас.

Ҳабибулло ҲОЖИМАТОВ: – Пахтани ҳамкор экинлар билан етиштириш технологияси бўйича юртимизда илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Аммо бу борада, чет мамлакатларда, жумладан, Хитой қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг Пахтачилик институти томонидан қўлланилган агротехнология натижасида юқори самарадорликка эришиб келинаётир. Бу

муҳим аҳамият касб этувчи илмий-амалий тажрибани жорий йилда Хитой қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вакили, профессор Гу-Жи билан ҳамкорликда станциямизнинг 20 гектарлик майдонида синовдан ўтказишга бел боғладик.

Маълумки, Наманган вилоятининг ерлари, иқлими бу борада қутилган натижаларни қўлга киритиш учун ҳар томонлама қулай ва мос келади. Қолаверса, пахтадан бўшаган ерлар октябрь ойидан бошлаб келгуси йилнинг апрель ойигача бўш ётади. Шу муддат ичида умуман даромад келтирмайди. Шундай экан, бу ерларнинг фойдаланиш коэффицентини ошириш ва олинаниган даромадни кўпайтириш учун ҳамкор экинлардан саримсоқпиез, қарам, мош, зира етиштиришни изчил йўлга қўйса бўлади. Июнь ойигача ёзанинг бўйи паст, барглари сонини камлиги, бу даврда ўзлаштирилаётган ёруғлик ва иссиқликдан фойдаланиш коэффицентлари юқори бўлмаслиги катта имкониятлар эшигини очиб беради. Уруғлар плёнка остига экилиб, томчилатиб сўғориш йўли билан етиштирилади. Шу ўринда ёзда қатор ораларида қайси экин қандай етиштирилиши ва унинг иқтисодий самараси ва афзалликлари ҳақида маълумот бериб ўтсак.

Саримсоқпиез 60 см. пуштага октябрь ойида 12 см. ораликда, 15 см. кенгликда, 4 қатор қилиб плёнка остига экилади. Шунда камида 80 фоиз кўчат сақлаб қолинади. Гектарига 1111 кг. уруғ сарфланади. 7500-



10000 кг. гўнг, 100 кг. фосфорли ўғит шудгор остига, 200 кг. калийли, 300 кг. азотли ўғит ўсув даврида солинади. Томчилатиб сўғориш технологиясидан фойдаланган ҳолда сўғорилади. Май ойида йиғиштириб олиниб бозорларга чиқарилади. Гектаридан 9 тоннагача ҳосил олинади. 15-20 мартдан ораллигига чигит қадалиб, пахта ҳосили етиштирилади.

Қарам кўчати феврал ойида пуштага ораллиги 30 см. ҳолатида икки қатор қилиб экилади. Экин олдида гетарига 10-15 тонна гўнг, 100 кг. Фосфорли ўғит, ўсув даврида 200 кг. азотли, 100 кг. калийли ўғит солинади. Устига плёнка тўшалади. Томчилатиб сўғориш усулида парвариш қилинади. Шунда гектаридан 40-45

тонна ҳосил етиштирилиб, 15-25 март ораллигида чигит экиш ишлари амалга оширилади.

Мош плёнка остига икки қатор, 30 см. ораликда экилади. Кўчатлар ораллиги 20 см. ни ташкил этади. Шунда гектарига 9 кг. уруғ сарфланади. Гектаридан 600 кг. ҳосил олинади. У ортиқча минерал ва маҳаллий ўғит талаб қилмайди. Пахтага солинган ўғитлар ҳисобига ривожланади. Июнь ойигача ҳосили йиғиштириб олинади.

Зира етиштиришда ҳам ортиқча ўғитлар талаб этилмайди. Гектарига 9 кг. уруғ сарфланиб, 30 сантиметр ораликда 2 қатор қилиб экилади. Ўзоғи билан 2,5-3 ойида пишиб етилади ва йиғиштириб олинади. Камида 560 кг. микдорига ҳосил етиштириш имконияти бор. Жаҳон бозорига 1 кг. зиранинг нархи 2 долларни ташкил этишини ҳисобга олсак, гектаридан пахтадан ташқари 1120 доллар қўшимча даромад олиш имкони яратилади.

Наманганда қўйилаётган бу каби дадил қадамлар қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига янги бир даврни бошлаб берса ажабмас. Ахир ўйлаб кўринг, мавжуд 20 гектар майдонда ўтказилажак тажриба якунида пахтадан олинаниган даромаддан ташқари энг камида 230-240 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олиниши режалаштирилмоқда, даромадни ошириш имкониятлари кашф этилмоқда. Қолаверса, пахта билан бирга ҳамкор экинларни етиштириш, томчилатиб сўғоришни ташкил этиш натижасида сув сарфи 50 фоизга камаяди. Сув, ўғит экиннинг илдизгача етиб боради. Қатқалоқнинг олди олинади. Техника сарфи камаяди. Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортади. Бозорлар тўкинлиги таъминланади.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ



Ҳоким муаммога ечим топди

(Боши 1-саҳифада)
Масалан, Навоий шаҳри “Баҳор” МФИда фаолият юритаётган, “**Djamshid Jonibek Porloq Kelajagi**” оилавий корхона раҳбари Жонибек Исмолов “Нон ва нон маҳсулотларини” ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйган. Бироқ, тадбиркорнинг ун маҳсулотига эҳтиёжи бор. У 3 тонна ун маҳсулоти ажратишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Яна бир тадбиркор Шохрух Равшанов эса Навоий шаҳри “Дўстлик” МФИ Ислон Каримов кўчаси 98а-уйида ўзига тегишли бўлган хонадонни “нотурабино”сида енгил конструкцияли савдо нуқтасини қуриш учун рухсат олишда амалий ёрдам сўраган. Якка тартибдаги тадбиркор Гули Эгамбердиева Навоий шаҳри Имом Ал-Бухорий кўчаси 62-уй 1-хонадонда яшайди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банкдан жами 35 000 000 сўм имтиёзли кредит олишда унга амалий ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилган. Моҳигул Ражабова қорамол сотиб олиш мақсадида банкдан 25 000 000 сўм имтиёзли

кредит маблағлари ажратилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Сайёр қабулларда Навоий шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров ҳар бир тадбиркорнинг мурожаати бўйича тегишли идора вакиллари билан жойида топшириқлар бериб ва ўз ўрнида мурожаатлар ижобий ҳал этилди. Шунингдек, мурожаатлар ечим бўйича тадбиркорларга ҳуқуқий тушунчалар ҳам бериб.

Халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш олий бурч. Бугун бу тушунча раҳбарларнинг қундалик фаолиятига айланиб улғурди. Боиси, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитларни яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Сайёр қабул жараёнида қулатганимиз – ўтказилаётган бу каби юзма-юз учрашувлардан тадбиркорларнинг кўнгли тўлиб чиқаётир.

Одил РАҲМОНОВ,
Навоий шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Адлия вазири юридик техникум фаолияти билан танишди

Бугунги кунда Фарғона вилояти юридик техникумида 468 нафар талаба таълим олаётган бўлиб, уларга ҳуқуқий соҳада малакали ва тажрибали педагоглар илм бериб келмоқдалар.

– Билим даргоҳимизда фидойи ўқитувчилар кўп, – дейди техникумнинг ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари Маҳбубахон Тошматова. – Мақсадимиз, давлатимиз ҳуқуқий тизимига ўрта махсус маълумотга эга малакали мутахассисларни етказиб беришдир. Ҳуқуқий соҳа ва тармоқларда талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тизимли фикрлаш, иш юритиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кўникмаларига эга ҳамда хорижий тилларни биладиган юридик кадрлар тайёрлаш асосий вазифамиздир.

Яқинда адлия вазири Русланбек Давлетов ушбу техникумга таширф буюриб, бевосита дарс жараёнларида иштирок этди. Ўқувчи ёшлар

билан суҳбатлашди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига вазирнинг ўзидан жавоб олди. Улар учун техникумни тамомлагач, қаерда ишлашлари мумкинлиги жуда қизиқ эди. Вазир бунга жавобан битирувчилар келажакда нотариус ёрдамчиси, ФХДЁ бўлими инспектори, ДХМ мутахассиси, судья ёрдамчиси ва давлат ижрочиси каби 89 та мутахассисликда ишлашлари мумкинлигини билдирди.

Шунингдек, вазир таълим муассасанинг моддий техник базаси, ўқувчиларга яратилган шароитлар, дарс жараёнлари, ўқув ва ўқув амалиёт хоналари, интернет тармоғи ва ундан фойдаланиш ҳолати, иссиқлик тизими ва ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Илҳомжон ТОЖИБОЕВ

Булунғурда 1 минг 850 гектар ерда картошка етиштирилади

Картошка кундалик ҳаётимизда эҳтиёж ва талаб юқори бўлган маҳсулотлардан бири саналади. Шу боис, мамлакатимизда замонавий, инновацион технологияларни жорий этган ҳолда картошка етиштиришни йўлга қўйиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулот етиштирувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тажрибали деҳқонлар картошкани мўл ҳосил етиштириш асосан уруғнинг сифатига боғлиқ эканлигини яхши билишади. Шу мақсадда, мамлакатимизда картошкачиликни ривожлантириш, унинг иқлимбоп ва серҳосил навларини маҳаллийлаштириш юзасидан истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Булунғур туманидаги қатор агрофирмалари уруғлик картошканинг супер элита авлодини етиштиришга ихтисослаштирилди. Қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан туманининг Х.Олимжон агрофирмаси ҳудудида “Грен агро Зарафшон” картошкачилик кластери ташкил этилди ва унга ҳудуддаги 60 та фермер хўжаликларининг 435 гектар ер майдони бириктирилди.

Туманда жорий йил ҳосили учун 1 минг 850 гектар майдонга картошка экиш ре-

жорига асосан, Булунғур туманидаги қатор агрофирмалари уруғлик картошканинг супер элита авлодини етиштиришга ихтисослаштирилди. Қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан туманининг Х.Олимжон агрофирмаси ҳудудида “Грен агро Зарафшон” картошкачилик кластери ташкил этилди ва унга ҳудуддаги 60 та фермер хўжаликларининг 435 гектар ер майдони бириктирилди.

Туманда жорий йил ҳосили учун 1 минг 850 гектар майдонга картошка экиш ре-



жалаштирилди. Шу мақсадда, “Шамсидин Жалилов” фермер хўжалиги томонидан Голландиядан 220 тонна элита авлодли уруғлик картошка келтирилди.

“ЎЗАГРОИНСПЕКЦИЯ”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ахборот хизмати.

Боёвутнинг ғаллачилик кластерлари

(Боши 1-саҳифада)

Чунончи, экин ҳолати, ривожланиш жараёнига қараб минерал ўғитларни дала бошигача кластер томонидан ташкил қилинган бригадалар етказиб беради, озиклантириш ва сўғориш ишларининг қулай муддатларда ўтказилиши, ҳашаротларга қарши чораларнинг амалга оширилишини ҳам кластер мутахассислари назорат қилиб боради. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг ҳам кластер орқали белгиланган тартибда тарқатилиши кластер билан маҳсулот сотиш бўйича шартнома тузган фермерларнинг мушкулларини янада енгиллаштиради. Ер эгаси энди янгича иш усулида

дон корхоналарига чопиб юрмайди. Шартнома тузиш, донни қабул қилиб олиш, бўнак пуллари етказиб бериш, ҳисоб рақамига ўтказиш ҳам кластер мутахассислари томонидан адо этилади. Худди пахтачилик кластерида бўлгани каби дон харид нархи ҳам фермер ва кластер хўжалиги келишувлари асосида амалга оширилади. Шартномада кўзда тутилганидан кўп ҳосил топширган фермерлар кластер хўжалиги томонидан алоҳида рағбатлантирилади. Қўшимча ҳосил учун қабулда оширилган нархлар белгиланади. Шундай бўлгач фермер бу усулда ва юқори сифатли ҳосил етиштириш, кўп манфаатдор бўлишни ўй-

лаб ишлайди.

Ғаллачилик кластерларида айна вақтда майсаларни озиклантириш, сўғориш ва ҳашаротларга қарши кураш тадбирлари пухта бажарилмоқда. Экинни иккинчи сўғориш ва озиклантириш аллақачон тугалланди. Далаларнинг бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда ҳам бор техника воситаларидан тўла қувватда фойдаланилмоқда. Ҳадемай майсаларга “шарбат” оқишиш, ҳасва ва бошқа ғалла зараркунандаларига кимёвий препаратлар сепиш ҳам фаол тус олади.

Тумандаги биргина “Боёвут дон кластер” хўжалигида 8,5 минг гектар майдонда ғалла парваришланмоқда. Кластер хўжалигидаги 185 та фермер хўжалигида ғаллани иккинчи озиклантириш, сўғориш тадбирлари қулай муддатларда ўтказилди. Бир текис ривожланаётган майсалар

кўзни қувонтиради. Ғалла майсаларининг ривож, дала бошига маҳаллий ўғит тўпланиши, майдонларга жойлаштирилган навларнинг ҳолати ҳар доим кластер хўжаликлари мутахассислари эътиборида. Тумандаги яна 2 та ғаллачилик кластерида ҳам ғалла майсалари баравж ўсаяпти.

– Ғаллачиликнинг кластер тизимига ўтказилганлиги ҳосилни етиштириб, қайта ишлаш ва тайёр унни бир ҳудуднинг ўзидан ички ва ташқи бозорга кенг қўламда экспорт қилинишига ҳам кенг йўл очади, – дейди “Боёвут дон кластер” раҳбари Шукрухон Комилов. – Келгусида етиштирилган донни шу ернинг ўзидан қайта ишлаш, тегирмонлар қуриш чораларини кўраямиз. Бу эса кластерда етиштирилган донни ун қилиб, ички ва ташқи бозорга реализация қилишга кенг йўл очади. Энг қувонарлиси, мўл ҳосил етиштирган фермер ўзи етиштирган дондан тайёрланган унни шу ернинг ўзидан истеъмол қилишга мубаффақ бўлади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

➤ Экология

Электрон анкета ишлаб чиқилди

Давлат экология қўмитаси томонидан атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб фаолият турларининг давлат экологик экспертизаси атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги электрон анкета ишлаб чиқилди.

Қўмитанинг www.eco-servisce.uz веб-сайтига худудий давлат экологик экспертизаси марказлари интеграция қилиниб, ушбу тоифага мансуб, яъни маҳаллий таъсир кўрсатадиган фаолият турлари бўйича электрон анкета шаклидаги аризани тўлдириш юзасидан дастурий ечимлар амалга оширилди. Мазкур янгилик ҳисобига буюртмачилар учун барча дастурий қулайликлар яратилди.

Маълумот ўрнида айтидиган бўлсак, Ўзбекистонда давлат экологик экспертизасини ўтказиш тизими бундан 24 йил аввал, яъни 1997 йили жорий этилган. Айни пайтда замон талабидан келиб чиқиб тизимда қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 1 октябридан бошлаб қўмитанинг eco-servisce.uz веб-сайти орқали давлат экологик экспертизасини ўтказишнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизими ишга туширилди. Бу билан ариза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларининг қўғоз шаклда қабул

қилиниши тўлиқ тўхтатилиб, тўловларни электрон кўринишда амалга ошириш, автоматлаштирилган ҳужжатлар ижроси кузатувини юритиш, соҳа йўналишида методик ёрдам кўрсатиш, давлат экологик экспертизаси хулосаларини бериш каби қатор вазифалар бўйича рақамлаштирилган интерактив хизмат жорий этилди. Буларнинг барчаси ўз навбатида, ортиқча вақт сарфи ҳамда молиявий йўқотишларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори ва ўрта даражада хавфи бўлган объектларга маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда жамоатчилик эшитувларини ўтказиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Зеро, жамоатчилик эшитувлари режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тизимини ўша ерда яшаётган аҳоли вакиллари иштирокида, жойида ўрганиш ва уларнинг мустақил фикрини олиш имкониятини яратади. Бу эса ўз

навбатида, маҳаллий аҳолининг юзага келиши мумкин асосли эътирозларининг олдини олишга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Навбатдаги жамоатчилик эшитуви яқинда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod туманида жойлашган “Элёр лойиҳа қурилиш” МЧЖ томонидан қурилиш кўзда тутилаётган табиий пардозбop тошларни кондан олиш ва қайта ишлаш корхонаси лойиҳаси бўйича бўлди. Деҳқонobod тумани ҳокими, туман фаоллари, депутатлар ҳамда Қашқадарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари иштирок этган тадбирда ушбу лойиҳанинг истиқболли жиҳатлари кўрсатиб берилди. Унда ушбу корхонанинг иқтисодий кўрсаткичи билан бирга унинг атроф-муҳитга, инсон соломатлигига, умуман, экологияга салбий таъсир кўрсатмаслиги билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Жамоат эшитувида эколог мутахассислар томонидан лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири тўлиқ кўриб чиқилиб, ижобий деб баҳоланди. Шундан сўнг сўнг йиғилиш қатнашчилари томонидан лойиҳа қўллаб-қувватланди. **Давлат экология қўмитаси матбуот хизмати.**

Кундалик турмушда белгиланган қоидаларга амал қилиш муҳимлиги барчага аён. Барча корхона-ташкilotлар бинолари, барча объектларда ҳам хавфсизлик, хусусан, ёнгин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

...“Тилсиз ёв” хавфидан холи бўламиз

Бу борада, айниқса, биноларда электр симларининг тегишли қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилганлиги, уларнинг махсус қопламлари билан қопланганлиги ҳам аҳамиятга эга. Шунингдек, электр жиҳозларининг нотўғри ишлатилиши оқибатида қизиб кетиши, зўриқиш сабабли тармоқда қисқа туташув юзага келиши каби ҳолатларга ҳам йўл қўйилмаслиги талаб этилади. Хусусан, замонавий техника жиҳозлари, кондиционер, компьютер, принтер каби ускуналарнинг ҳам тегишли талабларга амал қилган ҳолда ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар қуни уларни ишга туширишдан аввал назоратдан ўтказиш, иш тугаши билан ўчириб, электр тармоғидан буткул узиб қўйиш катта аҳамиятга эга. Чунки, иш амалиётида маълум бўлшича, аксарият ҳолларда биноларда ёнгин рўй беришига шу каби электр мосламаларининг меъёрдан ошиқ зўриқиб ишлаши ёхуд ишдан кейин ўчирилмасдан қолдириб кетилиши сабаб бўлаётир.

Агар шу каби оддийгина, аммо масъулияти катта бўлган қоидаларга амал қилсак, “тилсиз ёв” хавфидан кўнглимиз хотиржам бўлади.

Э.АХМАДОВ,
Олмазор тумани ФВБ П ва НВ мутахассиси, 1-даражали сержант.

Жамоатчилик эшитуви унинг афзалликлари нимада?

Қўчма чироқ қай тартибда ўрнатилади?

➤ Эълон

СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

Республика Узбекистан

Проект «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

Форма финансирования: Истисна^а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004. № Конкурсных торгов 2021-01

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского Банка Развития с целью финансирования Проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК “Кишлоқ Қурилиш Инвест” – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 4 (4-этажные, 2 и 3-х комнатные, 24 квартирные) жилых домов по типовым проектам в

сельской местности Сырдарьинской области. Срок строительства составляет восемь (8) месяцев.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных Территориальных консалтинговых центров по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени от 10:00 до 17:00.

Сырдарьинская область

Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова 30

Телефон: +8 (367) 227-64-84

Факс: +8 (367) 227-64-42

4. Полный комплект тендерной документации составленный на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Сырдарьинская область
Банк: Национальный банк ВЭД, Сырдарьинский филиал
ИНН: 202585476
Р/с: 2021 0000 3038 3676 6001
ОКОНХ: 82300 МФО: 00363

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов с даты объявления конкурсных торгов в рабочее время (с 10:00 до 17:00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Предложения будут приниматься в территориальном консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Требуется приложить Тендерную Гарантию к предложениям в размере не менее 2% от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Сырдарьинская область
Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова 30
Телефон: +8 (367) 227-64-84
Факс: +8 (367) 227-64-42

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и будут возвращены в закрытом виде.

ПРИГЛАШЕНИЕ №2021 – 01 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Проект «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»							
№ Лота	Наименование региона	Наименование массива	Кол-во квартир	Многоэтажный дом с 2,3-х комнатными квартирами			Крайний срок подачи
				кол-во домов	кол-во квартир	№ дома	
	Сырдарья	2	96	4	96		
ИБР-1	Баявут	Учтургон	24	1	24	1	22.03.2021 15:00
ИБР-2	Баявут	Учтургон	24	1	24	2	22.03.2021 15:30
ИБР-3	Баявут	Учтургон	24	1	24	3	22.03.2021 16:00
ИБР-4	Баявут	Учтургон	24	1	24	4	22.03.2021 16:30

Требования (по каждому Лоту)

по отбору подрядных организаций для строительства многоэтажных домов

Персонал

Основной персонал, которые отвечают следующим требованиям:

№	Должность	Общий опыт работы [лет]	Опыт участия в аналогичных работах [лет]
1	Руководитель проекта/Прораб	5	3
2	Инженер по гражданскому строительству/ инженер-строитель	5	3
3	Специалист ПТО	5	3

Квалифицированные работников в штате или нанятых по контракту:				
№	Виды квалифицированного труда	Количество работников	Свидетельство о наличии квалификации	Длительность опыта работы [лет]
1	Бетонщики, каменщики по кладке кирпича, штукатуры	36	Да	3
2	Плотники	6	Да	3
3	Электрики	3	Да	3
4	Сантехники	3	Да	3
5	Мальеры	12	Да	3
6	Газо-сварщик	2	Да	3
	Всего	62		

Оборудование		
№	Типы и характеристики оборудования	Минимальное требуемое количество
1	Автокран грузоподъемностью 10-25 тонн (при наличии договора аренды)	1
2	Самосвал грузоподъемностью 10 тонн (при наличии договора аренды)	1
3	Вибратор для укладки бетона (поверхностного типа)	1
4	Ручной вибратор (горизонтально) плоского типа для уплотнения грунта	1
5	Газосварочный аппарат	1

Финансовые требования и Опыт в строительстве					
Требуемый средний годового оборот	Требуемые финансовые ресурсы	Специальный опыт в Строительстве		Специальный опыт в строительстве	
		(а) Аналогичные контракты	(б) Опыт Строительства в ключевой деятельности		
5 600 000 000 сум	1 000 000 000 сум	по одному контракту стоимостью не менее 3 000 000 000 сум в течение последних (три) 3 года	или, по двум контрактам, каждый стоимостью не менее 1 900 000 000 сум в течение последних (три) 3 года	Завершение земельных работ не менее 900 м² по одному контракту за последние 3 (три) года	Завершение бетонных работ не менее 650 м³ по одному контракту за последние 3 (три) года
				Завершение строительства домов с общей жилой площадью не менее 1440 м² по одному контракту за последние 3 (три) года	


➤ Эълон

Миробод енгил саноат ва сервис касб ҳунар коллежи томонидан 2012 йилда Хасанов Рустам Улугбекович номига берилган К N2704107 (рўйхат рақами 958) рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
МЧЖ шаклидаги "ASIA ALLIANCE GROUP" хорижий корхонаси (СТИР: 301581124) устав жағмармаси 70894557171,62 сўмдан 6773347171,62 сўмгача қамаяётганини маълум қилади.

Электр ускуналаридан тўғри фойдаланинг!

Қурилишга вақтинчалик электр симларини тортиш учун изоляция қилинган симлар маҳкам тиргович ёки тросларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5, ўтиш жойларидан 3, ўтиш йўлларида 6 метр баландликда бўлиши керак.

Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метрдан паст ёки баландликда бўлган электр кабель ва симлар шикастланишдан ҳимояланган бўлмоғи лозим. Ёритиш чироқларини полдан 2,5 метрдан пастроқ баландликда ошиш мумкин эмас. Зарурат туғилган чоғда полдан баландлиги 2,5 метрдан кам бўлган ёритгичлар учун 36 В дан ортиқ бўлмаган кучланиш ишлатилиши керак. Электр ускуналарининг изоляция қилинмаган ток ўтказувчи қисмлари пухта тўсиқлар билан тўсилган ёки махсус электр техник хоналарда жойлашган бўлиши керак. Қўчма чироқ учун шу ишга мўлжалланган, заводда ясалган ёритгичлар ишлатилиши керак. Қўчма қўл ёритгичнинг шиша қопқоғи, ҳимоя этувчи сим тўри, осиш учун мосламаси ва вилкали шланг сими бўлиши керак. Қурилиш шароитида қўчма ёритгичларга 36 В дан ошмаган, ўта хавфли жойларда эса 12 В дан ошмаган кучланиш юборилади. Омборхона умум-



мий рубильниги омбордан ташқарида, ёнмайдиган деворда ўрнатилган бўлиши лозим, ёнадиган омборлар рубильниги эса алоҳида тиргақда, пломбаланадиган қути ёки ўйиққа ўрнатилади. Носоз ёки изоляцияси бузилган сим ва кабеллардан фойдаланиш, иситиш ёки қуришти учун стандартга мос бўлмаган электр асбобларини ишлатиш, электр симлари ва кабелларининг изоляция қилинмаган учларини кучланиш остида қолдириш, электр симларнинг металл конструкцияларга тегиб кетишига йўл қўйиш, кучланиш остида бўлган электр асбоб-ускуналарини қаровсиз қолдириш,

стационар ёритгичларни қўчма қўл чироқлари сифатида ишлатиш, носоз розетка, рубильник, тармоқлантириш қутилари ва бошқа электр асбобларидан фойдаланиш, ролик, выключатель, розеткаларга кийимбош илиш, электр чироқларни қўғоз, мато, бошқа ёниб кетадиган нарсалар билан ўраб қўйиш кабилар ман этилади.

Азиз ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси биносида ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш 1-бўлинмаси ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар.

➤ Эълон

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг Музработ туманида жойлашган “Оқтошобод-2” насос станциясини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш лойиҳаси бўйича Э Ў Л О Н

Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг Музработ туманида жойлашган “Оқтошобод-2” насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш лойиҳасининг концепцияси тасдиқланди. Мазкур лойиҳа концепциясининг потенциал давлат шериги Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлиги лойиҳада қатнашувчи талабгорлар ўртасида тендер эълон қилади.

► **Қизқиш билдириш учун сўров формаси** (ЕОИ Суб-миссион форм);

► **Лойиҳа концепцияси.**

Тендерда қатнашиш шартлари:

Талабгорлар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида етарли

даражада тажрибага эга бўлиши;

Моддий ва техник жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим. Қатнашчилар сўров формасини 2021 йил 2 апрель куни, Тошкент вақти билан соат 22:00 га қадар топширишлари керак. Сўров формаси ва ҳужжатлар (ҳисоботлар) тўлиқ ҳамда ўз вақтида тақдим қилинмаган тақдирда, берилган тақлифлар рад этилади.

Мурожаат учун:

ДХШ агентлиги томонидан масъул шахслар: И.Набиев, Ҳ.Давлетов.

Тел.: 71 203-03-07, e-mail: pppinfo@ppp.mf.uz

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигидан масъул шахслар: Р.Шарапов, Б.Хамрақулов

Тел.: (71) 202-47-54, (+998 90) 318-77-72, (+998 90) 380-12-79.

E-mail: yurist@minwater.uz, веб-сайт: www.water.gov.uz.

(“Янги Ўзбекистон” газетаси
2021 йил 13 февраль, 32-сон)

МАГНИЙ НИТРАТ

Магний нитрат сувда тўлиқ эрийдиган ўғит бўлиб, иссиқхона ва очик тупроқда суғоришда, илдиздан ташқари ўғитлаш учун қўлланилади. Ўсимликда азот ва магний танқислиги пайдо бўлганида барглариغا пуркалади.

MA<AM-CHIRCHIQ

Махсулот сертификатланган

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.30